

ISSN  
2181-2128

2021  
III SON



**"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"**  
илмий электрон журнали

**"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"**  
научно-электронный журнал

**"LOGISTICS AND ECONOMY"**  
scientific-electronic journal

[www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

### ***Таҳририят Кенгаши раиси***

**Муҳиддин Бахритдинович Калонов**

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

### ***Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари***

**Комил Раббимович Хотамов**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### ***Бош муҳаррир***

**Фахриддин Икромович Исаев**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

### **Таҳририят Кенгаши аъзолари:**

**и.ф.д., акад.** Каландар Ходжаевич Абдурахманов

**и.ф.д., проф.** Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

**т.ф.д., проф.** Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

**и.ф.д., проф.** Одил Қаландарович Абдурахманов

**и.ф.д., доц.** Мансур Пўлатович Эшов

**и.ф.д., проф.** Гулнора Каландаровна Абдурахманова

**и.ф.д., проф.** Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

**и.ф.д., проф.** Нодир Хосиятович Жумаев

**и.ф.д., проф.** Тулқин Хайитмуродович Фарманов

**и.ф.д., проф.** Алишер Жўраевич Тўйчиев

**и.ф.д., проф.** Адхам Азизович Фаттахов

**и.ф.д., проф.** Садридин Каримович Худойқулов

**и.ф.д., проф.** Султонали Умаралиевич Мехмонов

**и.ф.д., проф.** Шойзоқ Рахматович Холмўминов

**т.ф.д., проф.** Алимжон Ахмаджонович Рискулов

**и.ф.ф.д.,(PhD)** Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

**и.ф.д., проф.** Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ )

**и.ф.д., проф.** Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

**и.ф.д., проф.** Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

**и.ф.д., проф.** Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



**и.ф.д., проф.** Татаьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)  
**и.ф.д., проф.** Зият Ниязович Қурбанов  
**и.ф.д., проф.** Шахноза Жасуровна Эргашходжаева  
**и.ф.д., проф.** Акром Абдиевич Хошимов  
**и.ф.д., проф.** Расул Олимович Холбеков  
**и.ф.д., проф.** Ақтам Усманович Бурханов  
**и.ф.д., проф.** Баходир Акрамович Хасанов  
**и.ф.д., проф.** Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов  
**и.ф.д., проф.** Неъматулла Фатхуллаевич Каримов  
**и.ф.д., проф.** Олим Мамаюнусович Пардаев  
**и.ф.д., доц.** Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов  
**и.ф.д., доц.** Нурбек Кадиорович Ризаев  
**и.ф.д., доц.** Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов  
**и.ф.д., доц.** Исламбек Машарипович Ниязметов  
**и.ф.д., доц.** Нодира Баходировна Абдусаломова  
**и.ф.н., проф.** Шахло Тургуновна Эргашева  
**и.ф.н., доц.** Норбута Эшназарович Бабахалов  
**и.ф.ф.д (PhD), доц.** Мунис Қурбонович Абдуллаев  
**и.ф.ф.д., проф.** Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)  
**и.ф.ф.д (PhD).** Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Мақсуд Сувонқулович Рустамов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Илҳом Ғиёзович Кенжаев  
**т.ф.ф.д (PhD).** Ботир Инатович Абдуллаев

#### **Масъул муҳаррир**

**и.ф.д., доц.** Гулнора Мардиевна Шадиева

**Веб-администратор** А.Маматов

# "ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали

2021 ЙИЛ  
3 СОН

## МУНДАРИЖА:

<b>Abdullayeva M.K., Begmatova Sh.A.</b>	<i>Directions of improving the efficiency of state regulation in the development of innovative activities</i>	<b>7</b>
<b>Akhmadaliyeva N.</b>	<i>Risks of functioning of international financial centers in global finance system</i>	<b>12</b>
<b>Hoshimov J.R.</b>	<i>Erkin iqtisodiy hududlarni tashkil etish va ularga investitsiyalarni jalb etishning xorij tajribasi</i>	<b>20</b>
<b>Jo'rayeva S.Z.</b>	<i>Tijorat banklarining xalqaro moliya bozorida faoliyatining zamonaviy tendensiyalari</i>	<b>28</b>
<b>Kurbonov S. Isamuhamedov B. Kodirov A.</b>	<i>Modern labor migration of youth in national labor market</i>	<b>35</b>
<b>Mahmudov J.E.</b>	<i>Kichik biznes sub'ektlarida moliyaviy boshqaruv usullarini takomillashtirishning dolzarb masalalari</i>	<b>41</b>
<b>Nurillaev J.Ya.</b>	<i>Territorial aspects for attracting foreign investment to the national economy</i>	<b>48</b>
<b>Ochilov B.B.</b>	<i>Mamlakat investitsiya jozibadorligini baholashda investitsion infratuzilma va xalqaro indekslarning ahamiyati</i>	<b>54</b>
<b>Odilov A.O.</b>	<i>The attractiveness of Uzbekistan's capital market</i>	<b>60</b>
<b>Абдурахманов К.Х.</b>	<i>Роль интеллектуального труда в повышении продуктивности человеческого капитала в условиях цифровой экономики</i>	<b>65</b>
<b>Абдувалиев С.А.</b>	<i>Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари</i>	<b>75</b>
<b>Абдуллаев Б. И. Йўлдошев Д.Ф.</b>	<i>Шаҳар йўналишли автобусларининг оралиқ бекатларда сарфлайдиган вақтини асослаш</i>	<b>83</b>
<b>Абдуллаева Ш.З. Валиева О.О.</b>	<i>Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг трансформация rischi</i>	<b>89</b>
<b>Абдурахмонов И.Х.</b>	<i>Суғурта маҳсулотлари суғурта соҳасини инновацион ривожлантиришнинг омили сифатида</i>	<b>95</b>
<b>Алтиев Қ.С. Қаюмов С.А.</b>	<i>Корпоратив молиявий бошқарувни ташкил этиш жараёнида молиявий технологиялар (fintech)дан фойдаланиш истиқболлари</i>	<b>101</b>
<b>Ашуров М.С. Курпаяниди К.И.</b>	<i>Миллий инновация тизимини шакллантиришнинг айрим муаммолари ва ечимлари</i>	<b>110</b>
<b>Бабахонов Ж.М.</b>	<i>Молиявий назорат ва унинг ўзбекистон иқтисодиётида бюджет муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни</i>	<b>121</b>
<b>Бердиев Қ.</b>	<i>Хусусий капитал аудитида иқтисодий таҳлил методларидан фойдаланиш</i>	<b>128</b>
<b>Боратов Б.С.</b>	<i>Мукаммаллашган моделлар асосида тўқимачилик корхоналари инновацион ривожланишини бошқариш технологиясини такомиллаштириш</i>	<b>134</b>
<b>Ғаниев З.У.</b>	<i>Аудит далиллари ҳамда уларни ҳужжатлаштириш жараёни</i>	<b>139</b>

<b>Жўраева Н.Қ.</b>	Уй-жой коммунал соҳаси корхоналари рақобатбардошлиги ва хизматлар сифатини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш	<b>145</b>
<b>Зокиров А.А.</b>	Тўқимачилик корхоналарида стандарт тартиблар мажмуига асосланган стратегик режалаштириш жараёни моделини ишлаб чиқиш	<b>157</b>
<b>Идиев Н.Ф.</b>	Тижорат банклари даромадлигини оширишнинг долзарб масалалари	<b>164</b>
<b>Исаев Р.А.</b>	Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган комплекс тизимли стратегияни амалга ошириш методологияси асосида ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш	<b>170</b>
<b>Курпаяниди К.И.</b>	Эволюция научно-теоретических представлений о предпринимательстве	<b>178</b>
<b>Қўзиёв А.Ў.</b>	Ҳудуд жамоат траспорти хизматларининг сифат	<b>185</b>
<b>Комилов А.Л.</b>	кўрсаткичлари таҳлили ва уларни яхшилаш усуллари	
<b>Қўзиёв А.Ў.</b>	Қурилиш юklarини ташишда логистик кўрсаткичларини	<b>191</b>
<b>Муратов А.Х.</b>	такомиллаштириш	
<b>Қўзиёв А.Ў.</b>	Ҳудудда истиқболдаги оқимларни ўзлаштиришда мультимодал ташишни қўллаш	<b>198</b>
<b>Қурбонов С.П.</b>	Меҳнат бозорида унумли ва маҳсулдор бандлик тақчиллигини аниқлаш ва мониторингини олиб бориш имкониятлари	<b>205</b>
<b>Маматов С.А.</b>	Тижорат банкларининг молиявий хавфсизлигини	<b>218</b>
<b>Абдужаббаров А.А.</b>	таъминлашнинг моҳияти ва амалий жиҳатлари	
<b>Маннопова Ш.Э.</b>	Кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантириш муаммолари	<b>226</b>
<b>Махмудов А.М.</b>	Суғуртада ассистанс хизматларини ташкил этиш	<b>232</b>
<b>Махмудов А.М.</b>	Суғурта соҳасида аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш истиқболлари	<b>239</b>
<b>Махмудов О.Т.</b>	Муаммоли кредитларни камайтириш орқали тижорат банклари барқаролигини таъминлаш	<b>247</b>
<b>Мирзаев М.А.</b>	Барқарор ривожланиш шароитида тижорат банклари капитали ва рақобатини баҳолаш масалалари	<b>257</b>
<b>Мисиров К.М.</b>	Экологик харажатлар аудити экологик хавфни камайтириш механизми сифатида	<b>263</b>
<b>Набиев Б.К.</b>	Тижорат банкларида операцион рискларни минималлаштириш йўллари	<b>269</b>
<b>Нуруллаев А.С.</b>	О некоторых вопросах страхования аграрных рисков: проблемы и перспективы	<b>284</b>
<b>Обидов Р.Р.</b>	Кластер тизимидаги корхоналарда харажатлар ҳисобини юритишнинг услубий масалалари	<b>291</b>
<b>Ризаев Н.К., Қаххоров З. Исаев Ф.И.</b>	Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш: муаммо ва ечим	<b>297</b>
<b>Рустамов М.С. Саидқулов М. Воситжонова К.</b>	Электрон банк хизматларини ривожлантиришда чакана тўлов тизимлари муҳим омил	<b>303</b>
<b>Саидов Н.Р.</b>	Иш ўринлари асоси бўлган янги ташкил этилган ва фаолияти тугатилган корхоналар таҳлили (Самарқанд вилояти мисолида)	<b>310</b>
<b>Саидова Ф.К. Санақулова Б.Р. Қаюмов С.А.</b>	Кичик бизнесни ривожлантиришнинг долзарб масалалари	<b>317</b>
	Камбағаллик ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили	<b>324</b>
<b>Суюнов А. Иномжонова С.</b>	Анализ состояния осуществления и правовых основ нетарифного регулирования внешнеэкономической деятельности	<b>332</b>
<b>Тошпулатов Д.А.</b>	Банкларда рискларни стресс-тестдан ўтказиш	<b>341</b>



## КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Саидова Ф.К.**

Бухоро Давлат университети

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада кичик бизнесни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва жорий даврда юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича давлат томонидан бажарилиши керак бўлган асосий вазифалар ва йўналишлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, кичик бизнесни рақамлаштиришнинг иккита параллел тури бўйича аънанавий бизнесни рақамлаштириш ва рақамли жамиятнинг бизнес модели ишлаб чиқилди. Кичик бизнесни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишда рақамли трансформация циклини яратиш механизми тавсифи келтирилди ва таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, инновация, ИТ, молия институтлари, кредитлаш, венчур фондлари, рақамлаштириш, рақамли трансформация

## CHALLENGES FOR SMALL BUSINESS DEVELOPMENT

**Saidova F.K.**

Bukhara State University

**Annotation:** This scientific article identifies the most pressing issues of small business development, the current problems, the main tasks and areas that need to be addressed by the state to address them. In addition, two parallel types of small business digitalization have developed a traditional business digitalization and a digital society business model. The mechanism of creating a digital transformation cycle to take small business development to a new level is described.

**Keywords:** small business, Innovation, IT, financial institutions, lending, venture capital, digitalization, digital transformation

### 1. Кириш.

2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси таркибда вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари билан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида "ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар билан қўшма жойлаштириш тамойили асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилиши белгиланди ҳамда мазкур марказлар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– зарур шарт-шароитларни яратиш ва бир жойнинг ўзида кенг қўламли давлат органлари ҳамда бозор инфратузилмаси субъектларининг хизматлари, бизнес-хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ахборот таъминоти, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш ва бошқа ҳужжатлар) кўмак бериш;

– бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек, лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

– молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслар, технологик машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер майдонларидан фойдаланишда кўмаклашиш;

– солиққа тортилиш, ишчилар ёллаш, статистика, молия, солиқ ва бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бино ва жойларни ижарага олиш, давлат мулки объектларини “ноль” қийматида харид қилишда маслаҳатлар бериш;

– халқаро стандартлар ва сертификация тизимини жорий этишда, жумладан ташқи савдо ҳамкорлар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ёрдам бериш;

– тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича бозор инфратузилмаси субъектлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

Таъкидлаш жоизки айнан кичик бизнес ва микрофирмалар фаолиятини рағбатлантириш орқалигина иқтисодиётдаги камбағалчилик даражасини қисқа муддатларда бартараф этишга эришиш мумкин бўлади. Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунга келиб кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши қарийб 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажмининг тўрттадан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнесга тўғри келмоқда.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш - бу эса ўз навбатида замонавий ва рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги янги корхоналар очишда ҳужжатлар расмийлаштиришни соддалаштириш, кредит олиш механизмининг соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таварлар ва маҳсулотларни экспорт қилиш механизмининг янада такомиллаштириш зарур (Шермухамедов, 2017).

Жаҳон бозорларидаги ва йирик ташкилотларнинг рақобатбардош стратегиясидаги ўзгаришлар кичик ва ўрта корхоналарга инновация имкониятлари жиҳатидан босим ўтказмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда ўзгарувчан саноат ва ташқи муҳитда рақобатлашиш учун ўзгаришлар кичик ва ўрта корхоналар учун доимий стратегик ва тактик курашдир. Кичик бизнес раҳбарлари муаммоларни тезда имкониятларга айлантирадиган ва КўКлар доимо ўзгарувчан бозор шароитларига мослаша оладиган иш муҳитини яратишга қодир. Юқори технологияли кичик бизнес, айниқса, ўсиш ва узоқ муддатли барқарорлик учун атроф-муҳит шароитида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиши керак. Ташкилотларнинг инновациялар билан шуғулланиши учун уларнинг ходимлари ижобий энергия ва ИТ соҳасида кўникмага эга бўлиши муҳимдир (Тапежа ва бошқалар, 2016).

"Инновация - бу бизнеснинг ривожланиши, даромадлигини яхшиланиши нафақат маҳсулотларда, хизматларда ва жараёнларда ҳам. Бундан ташқари етакчилик, кадрлар билан ишлаш, алоқа, ташкилот, маркетинг ва бошқа ҳар қандай фаолиятда ўсишни рағбатлантирувчи воситадир. Рақобат муҳитида омон қолиш учун кичик бизнес учун доимий равишда инновациялар жараёнида иштирок этиши фаолиятига янги технологияларни жорий қилиши муҳимдир (Csath, 2012).

Тадбиркорлар ўзларининг ички мотиватсияси натижасида кичик бизнесга ИТ инновацияларини киритиш учун таваккал қиладилар. Бу жараён молия институтларидан маълум миқдорда молиявий кўмакни талаб қилади. Ушбу жараёнда юзага келадиган молиявий юкни ҳал қилишда давлат томонида кўмак бўлиши зарур. Кичик бизнеснинг инновацион қарорларга асосланган етакчилик услублари ҳам кичик бизнеснинг инновацион кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради ва соҳа ривожланади (Yan va Yan, 2013).

## **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотда кичик бизнесни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ўрганишда индукция, дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, кичик бизнесни

ривожлантиришда эксперимент, адаптив усуллар, интеграцион ёндашувлар, кичик бизнесни ўсишини таъминлайдиган сиёсатни ишлаб чиқишда жаҳон амалиёти услубларидан фойдаланиш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

#### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Кичик корхоналар омон қолиш эҳтимоли катта корхоналарга қараганда пастроқдир, шу билан бир қаторда бозорга мослашиб кетиш имконияти йирик бизнесга қараганда юқори ва талофат келтириш эҳтимоли паст даражада. Ўзбекистон шароитида молиявий бозорда омон қолиш эҳтимолининг асосий омиллари бориб юқори фоиз ставкаларига ёки қарзни молиялаштиришнинг унчалик қулай бўлмаган шартларига боғлиқ бўлиб қолган. Чунки бугунги кундаги юқори фоиз ставкалари, кредитни олишда юзага келаётган муаммолар, юқори қийматга эга бўлган таъминот кичик бизнесни молиялаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Давлат кичик бизнесни эҳтиёжларига жавоб берадиган ва ўсишини таъминлайдиган сиёсатни ишлаб чиқишда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- молия институтлари кичик ва ўрта корхоналарни табиатан анча хавфли (рисклилик даражаси юқори) деб баҳолайдилар;

- каттароқ фирмалар, одатда, ташқи маблағларнинг кенг доирасига (шу жумладан, облигациялар, акциялар ва кредитлар) кириш имкониятидан келиб чиққан ҳолда, кичик ва ўрта корхоналарга қараганда ташқи инвесторларга очиқ ҳисобланади. Молия институтлари корхона тўғрисидаги маълумотни тўплаш харажатлари, ташқи молиялаштириш ҳажми камайиши, корхонанинг фаолият юритиб бозорда ўз ўрнини топиб олиш ва қарзларини ўрнини қоплаш хавфи юқори деб баҳолаганлиги учун йирик корхоналарга қараганда кичик ва ўрта корхоналарга юқори фоиз ставкаларини белгилайди.

- кўпгина молия институтлари мавжуд кичик ва ўрта корхоналар учун йирик бизнесга қараганда фаолиятнинг кутилаётган фойдалари тўғрисида яхшироқ маълумотга эга эмас. Ушбу маълумотларнинг етишмаслиги, паст рентабелли қарз олувчиларни сиқиб чиқариши мумкин бўлган хавфни қоплаш учун юқори ставкаларни белгилашга олиб келади ва молиялаштириш бозорида юқори рискли саналади. Шунинг учун юқори фоиз ставкаларини олиш тадбиркор ва банк манфаатларига мос келмаслиги мумкин, чунки банк паст рискли қарз олувчилар - қарзларни тўлаш эҳтимоли юқори бўлади;


- ёш кичик бизнес субъекларининг ўзига хос камчиликлари шундаки, улар муҳим сигналларни берадиган ва қарзларни молиялаштиришга ёрдам берадиган кредит тарихларини кўрсата олмайдилар. Бу ҳам ўз навбатида маблағларни жалб қилишга бевосита салбий таъсир кўрсатади;

- кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш йирик корхоналарга бериладиган кредитларга қараганда кўпроқ гаровга асослангандир. Бу ҳолат қарз бериш кутилаётган рентабелликка эмас, балки гаровга эга бўлишга асосланган ҳолда юзага келмоқда. "Яхши таъминот" имконияти мавжуд бўлмаган кичик бизнес кредит фоиз ставкалари ва кафил меъёридан азият чекмоқда.

Ўзбекистонда 2000-2020 йилларда кичик бизнеснинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикасига кўра йиллар давомида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ўсиш тенденциясига эга бўлсада, реал ҳолатда аҳоли даромадларининг кескин ўсиш ҳолати кузатилмаган. 2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 14,4 бирликни ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич Россияда - 27.6 тани, Хитойда – 45 тани, АҚШда - 90, Европа Иттифоқида - 57 тани ташкил этади<sup>1</sup>. Мазкур даврда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода 16588 та, саноатда 9713 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8525 та, қурилишда 3302 та, яшаш ва овқатланишда 2460 та, ташиш ва сақлашда 1148 та ташкил этилган.

<sup>1</sup> <https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2019/05/08/801020-pochemu-malii-biznes>





**1-расм. Ўзбекистонда ва ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари яратаётган қўшилган қиймат миқдори ҳамда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони<sup>2</sup>**

1-расмда Ўзбекистонда ва ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари яратаётган қўшилган қиймат миқдори ҳамда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони келтирилган. Жумладан Ўзбекистонда кичик бизнес томонидан яратилаётган қўшилган қиймат ҳажми энг кам миқдорни ташкил этиб, ривожланган мамлакатларга нисбатан 2 барабар паст бўлиб, 113 минг ақш долларига тенг, дунё бўйича бу кўрсаткич ўртача 394 минг АҚШ доллга тенг.

Кичик бизнесни ривожлантиришни яна бир муҳим йўли тизимни рақамлаштириш, кичик бизнесга янги замонавий ИТ технологияларни жорий қилиш ҳамда давлат томонидан технологияни жорий қилиш маблағларини молиялаштиришга амалий ёрдам қўлини чузишдир. Бу борада, Хитой, Япония, АҚШ ва Канаданинг венчур фондлари сармоялари технологияни кичик бизнес томонидан ўзлаштиришга юқори концентрацияга эга. Иқтисодий тараққиёт ва ривожланиш ташкилотининг маълумотига кўра, янги технологияларга асосланган бизнес фаолиятини йўлга қўйган давлатларда иқтисодий ўсиш ва кичик бизнесни ривожланиш тенденцияси бошқа бизнеснинг анъанавий бизнес йўналишида кетаётган мамлакатларга қараганда юқори суратда ҳамда бу давлатларда кичик бизнесни молиялаштириш алоҳида муҳим объект сифатида қаралади. Тўғри, янги технологияларга асосланган фирмаларни молиялаштириш мураккаблиги ва таваккаллиги сабабли анча муаммоли бўлиши мумкин лекин бу реал ҳолатда ўзини оқлаётган амалиёт саналади. Хусусан, Японияда янги технологияларга асосланган корхоналарни молиялаштириш рисклари ўрганилади ва рискни камайтириш учун жоиз бўлса ушбу корхоналар ходимлари ИТ мутахассислиги бўйича ўқитилади ҳамда кредитлаш бўйича амалий ёрдам берилади.

<sup>2</sup> <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035>

**Рақамлаштиришнинг иккита параллел тури: "анъанавий бизнесни рақамлаштириш" ва "рақамли жамиятнинг бизнес модели"<sup>3</sup>**

<b>Анъанавий банк бизнеси</b>		<b>Рақамли жамиятда банк бизнеси</b>
Молия институтлари	Провайдерлар	Дастурлари орқали
Молиявий ташкилот имкониятларидан келиб чиқиб танланган хизматлар	Функционаллик	Фойдаланувчи нуқтаи назаридан интеграл хизматлар
Офлайн филиаллар, шахсий сабинет	Каналлар	Рақамли, интерактив
Компаниянинг ўзи	Хизматни режалаштириш ва ривожлантириш	Ташқи ресурсларни жалб қилиш
Қоғозсиз ва рақамли шаклларга ўтиш Инсон + тизими	Бизнес жараёнлари	Дастлаб қоғозсиз ва рақамли шаклларга асосланган Сунъий ақл ва роботлаштирилган жараёнларни автоматлаштириш
Марказлаштирилган	Инфратузилма ва тизим	Тарқатилган, булутли, умумий
Шартларни аниқлаш > ишлаб чиқиш > синов	Тизимнинг ривожланиши	Мослашувчан ёндашув
Тизимлараро интеграция	Ташқи интеграция	API орқали интеграция

Рақамли трансформация уни амалга ошириш учун келажакдаги мақсадларни аниқ белгилашни ва корхона ичида рақамли иқлимни шакллантиришни талаб қилади. Бу эса ходимларнинг фикрлаш тизимини ислоҳ қилишни, ходимларни тезда ИТ мутахассислиги бўйича қисқа муддатда ўқитиши ёки шу мутахассисликка эга бўлган ходимларни жалб қилиши ва ташқи ғояларга очиқликни талаб қилади. Ҳар бир рақамли трансформацияни бизнес жараёнларига қўллаш учун корхона ўзининг тадбиркорлик йўналишидан келиб чиққан ҳолда рақамли концепциясини ишлаб чиқиши, уни тадбиқ қилиш бўйича механизмни яратиш ва барча бўлимларни жалб қилган ҳолда амалга ошириши керак.

Корхона ичидаги фикрлаш ислоҳоти (ходимларни рақамлаштириш):

- Ходимларнинг ностандарт фикрлаш тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан ходимларда ИТ бўйича етакчилик қобилиятини шакллантириш.

- Рақамлаштириш жараёнига мослаша олмагана ходимларнинг билим даражасини доимий равишда ошириш, жоиз бўлса тренинг курсларини ташкил қилиш.

- Рақамли трансформацияга нисбатан сезгирликни ошириш – ишчи-ходимларда мумкин бўлган қобилиятсизлик қўрқувини йўқотадиган иқлимни яратиш.

Ташқи ғояларга очиқлик - ташқи мутахассислар яъни ҳамкор ташкилотлар, тренинг курслари, турдош йўналишда фаолият юритаётган ташкилотлар билан алоқалар тармоғини яратиш; экспериментлар орқали мижозлар ва бошқа ташқи томонларнинг фикрларини ҳисобга олиш; Таҷрибалар ва бошқа тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш орқали "рақамли молия институти" сифатида жойлашиш (⇒ маълумот тўплашни осонлаштиради).

<sup>3</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.



**2-расм. Кичик бизнес учун рақамли трансформация циклини яратиш механизми тавсифи<sup>4</sup>**

Лойиҳани етказиб бериш усулларини ислоҳ қилишда анъанавий ёндашув - тадқиқот натижаларини ва мунозараларни масъул бўлимда иш даражасида бирлаштириш орқали олиб борилади бу эса жуда ҳам самарасиз усул ҳисобланади. Янгича ёндашувларга кўра, лойиҳани етказиб бериш келгусида циклини асосий тадқиқотлар ва мунозаралардан ёки прототип билан тажриба ўтказилишидан эффектни тасдиқлаш орқали амалга оширилади. Иш даражаси билан яқин алоқада бўлиш бўлиш ва ҳолис баҳони олиш, иш сифатини яхшилаш, янги хизматларни кўрсатиш тўғрисида қарорни менежерлар зиммасига юклатилади.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистон шароитида молиявий бозорда бизнеснинг омон қолиш эҳтимолининг асосий омиллари юқори фоиз ставкаларига ёки қарзни молиялаштиришнинг унчалик қулай бўлмаган шартларига боғлиқ бўлиб қолган. Чунки бугунги кундаги юқори фоиз ставкалари, кредитни олишда юзага келаётган муаммолар, юқори қийматга эга бўлган таъминот кичик бизнесни молиялаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Сабаби, молия институтлари кичик ва ўрта корхоналарни табиатан анча хавфли, яъни рисклилик даражаси юқори деб баҳолайдилар. Одатда, йирик бизнес ташқи маблағларнинг кенг доирасига (шу жумладан, облигациялар, акциялар ва кредитлар) кириш имкониятидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнесга қараганда ташқи инвесторларга очиқ ҳисобланади. Молия институтлари кичик бизнес тўғрисидаги маълумотни тўплаш харажатлари, бозорда ўз ўрнини топиб олиши ва қарзларини ўз вақтида қоплай олмаслик эҳтимолини юқориликдан келиб чиқиб кичик бизнесга юқори фоиз ставкаларини белгилайди.

<sup>4</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

Ёш кичик бизнес субъекларининг ўзига хос камчиликлари шундаки, улар муҳим сигналларни берадиган ва қарзларни молиялаштиришга ёрдам берадиган кредит тарихларини кўрсата олмайдилар. Бу ҳам ўз навбатида маблағларни жалб қилишга бевосита салбий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнесни кредитлаш йирик корхоналарга бериладиган кредитларга қараганда кўпроқ гаровга асослангандир. Бу ҳолат қарз бериш кутилаётган рентабелликка эмас, балки гаровга эга бўлишга асосланган ҳолда юзага келмоқда. "Яхши таъминот" имконияти мавжуд бўлмаган кичик бизнес кредит фоиз ставкалари ва кафил меъёридан азият чекмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим йўли - тизимни рақамлаштириш, кичик бизнесга янги замонавий ИТ технологияларни жорий қилиш ҳамда давлат томонидан технологияни ўзлаштириш маблағларини молиялаштиришга амалий ёрдам қўлини чузишдир. Кичик бизнес учун рақамли трансформация циклини яратишда анъанавий банк бизнесидан воз кечиб жамиятни рақамли банк бизнесига ўтказиш механизми орқали бугунги кунда кичик бизнесни молиялаштириш билан боғлиқ қатор бюрократик тўсиқлар, қоғозбозлик, ортиқча вақт сарфи, коррупцион характерга эга хатти-ҳаракатларга чек қўйишга эришилади. Бундан ташқари, давлат томонидан кичик бизнесга ажратилаётган имтиёзли кредитларни манзилли ва мақсадли сарфланиши мониторинги йўлга қўйилиб, тизим назорат остига олинади.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Csath, M. (2012) "Encouraging innovation in small and medium sized businesses: learning matters", *Development and Learning in Organizations*, Vol. 26 No. 5, pp. 9-13.

Sonia Taneja, Mildred Golden Pryor and Mario Hayek (2016) "Leaping innovation barriers to small business longevity", *Journal of Business Strategy*, VOL. 37 NO. 3 2016, pp. 44-51,

Yan, L. and Yan, J. (2013), "Leadership, organizational citizenship behavior, and innovation in small business: an empirical study", *Journal of Small Business and Entrepreneurship*, Vol. 26 No. 2, pp. 183-199.

Шермухамедов Б.У (2017) "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни", *Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали*. № 5, октябрь. // Shermuxamedov B.U. (2017) "The role of small business and private entrepreneurship in the economy of our country", *International scientific electronic journal of finance and accounting*. № 5, October.



## КАМБАҒАЛЛИК ВА УНГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

*и.ф.д., проф. Санақулова Б.Р., Қаюмов С.А.*  
Тошкен молия институти

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада вақт омили нуқтаи назаридан камбағалчилик даражасини пайдо бўлиши, камбағал қатламни аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар тавсифи келтирилди. Бундан ташқари, камбағаллик даражаси индекси кўрсаткичи таҳлили, камбағаллик қатламини аниқлашда меъёрий ва комбинациялаштирилган усуллардан фойдаланиш амалиёти, истеъмол саватчаси, истеъмол минимуми, камбағалчилик чегарасини аниқлашнинг жаҳон амалиёти услублари тадқиқ қилинди.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, камбағаллик чегараси, истеъмол саватчаси, истеъмол минимуми, камбағаллик даражаси индекси, яшаш даражасининг минимуми

## THE CONCEPT OF POVERTY AND A DESCRIPTION OF THE INFLUENCING FACTORS

*Doctor of Economics, prof. Sanakulova B.R., Qayumov S.A.*  
Tashkent Financial Institute

**Abstract:** This scientific article describes the occurrence of poverty in terms of time, the definition of the poor and the influencing factors. In addition, the study details analysis of the index of poverty, the use of normative and combined methods in determining the poverty line, the study of the world's methods of determining the poverty line, the consumer basket, the minimum consumption.

**Keywords:** poverty, poverty line, consumer basket, consumption minimum, poverty index, subsistence minimum.

### 1. Кириш.

Ҳар қандай давлатдаги мавжуд камбағал қатламнинг даражасини таҳлил қилиш учун биринчи навбатда мазкур тушунчани аниқлашга доир шаклланган назарий ва амалий услубиётни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бугунги кунга қадар иқтисодиётдаги камбағалчилик даражасини аниқлашга доир 10 дан ортиқ услубиётлар мавжуд бўлиб, айнан қайси услубиёт орқали давлатдаги камбағал қатлам даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро бунда давлат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, жойлашган жойи, миллий хусусиятлари, урф одатлари, аҳоли қатламининг таркиби, уларнинг даромадлилик даражаси, саводхонлик даражаси, саводхонликка эришиш таннархи, саводхонликка эришишдаги барчанинг бир хил имконият билан таъминланганлик даражаси, давлатдаги ижтимоий иқтисодий сиёсат йўналишлари, аҳолининг ёш категорияси бўйича динамикаси ҳамда давлатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати каби кўрсаткичлар бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари иқтисодиётнинг эркинлашуви даражаси ошиб бориши билан ҳам аҳоли даромадлари даражаси ўртасида ҳам кучли табақалашув юзага келади.

Ўзбекистонда камбағал қатлам ва унинг мавжудлиги борасидаги илк расмий мулоҳазалар 2020 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси"сида келтирилиб, жумладан турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этиши ҳамда бугунги аҳолининг 4-5 миллиони айнан шундай статусда эканлигини эътироф этди. Камбағал қатламни камайтиришга доир давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида марказдан